

Суннатлардаги ўнта илмий ҳақиқат (саккизинчи мақола)



14:55 / 22.03.2024 2061

Кундан кунга Қуръони Карим ва Суннати мутоҳҳарадаги илмий мўъжизалар, ҳақиқатлар илмий томондан ҳам аниқланмоқда. Ушбу мақолада Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларида баён қилинган ва яқин йиллар ичида аниқланган илмий ҳақиқатлар зикр этилади.

Ваболарни даволаш

Олимларнинг таъкидлашича, юқумли эпидемик касалликни йўқ қилишнинг идеал усули - инфекцияга чалинганликда шубҳа қилинган, касалланган ёки ҳатто соғлом одамларни ушлаб туриш (карантинга олиш) ва касаллик даволанмагунча уларни изоляция қилишдир. Бу тиббий ҳақиқат ўн тўрт

